



МАҲР – АЁЛНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲАҚҚИ

Қамбаров Аъзам Мухаммадали ўғли

Халқаро ислом академияси “Ислошунослик ва ислом цивилизациясини ўрганиш ICESCO” кафедраси кат. ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10730250>

ARTICLE INFO

Received: 22th February 2024

Accepted: 28th February 2024

Online: 29th February 2024

KEYWORDS

Бадоиъ, Саноиъ, Косон, никоҳ, маҳр, фарз, вожиб, суннат, суннати сония, вакил, гувоҳ, мусулмонлар жамоаси, далил, ижмоъ, қиёс, истехсон, асл, усул, фуруъ, жоиз, рационал фикрлаш усули, ислом, имон, шариат, нафақа, вожиб.

ABSTRACT

Мақолада Имом Абу Бакр ал-Косоний қаламига мансуб “Бадоиъ ас- Саноиъ фи тартиб аш-шароиъ” номли китобини Фотима бинт Алоуддин Самарқандий (Фотима Самарқандия)га уйланиш маросимида маҳр сифатида қабул қилиниши масаласининг шаръий-фиқҳий жиҳатларига эътибор қаратилади. Шариатдаги Никоҳ ва Маҳр тамойилларига доир мавжуд бўлган далилларга илмий тадқиқотчилик нуқтаи назардан ёндошилади. Бунда ислом дини шариат қонунлари қаторида жаҳон тамаддунида мавжуд фикрлар ва қарашларга ҳам таянилади.

Мақолада ўртага ташланаётган фикрлар ҳанафийлик эътиқодий йўналиши методологик тамойиллари ва анъанавий усуллари талабларига риоя қилинган ҳолда шакллантирилади. Никоҳ ва маҳр борасидаги фикрлар Самарқандлик фиқҳ олими Абу Бакр ал-Косоний қаламига мансуб “Бадоиъ ас- Саноиъ фи тартиб аш-шароиъ” номли китобида ва умуман Марказий Осиё диёрида, хусусан Республикамизда жорий қилинган фиқҳий қоидалар ва юридик далилларга таянган ҳолда замонавий меъёрлар асосида мушоҳада қилинади.

Никоҳ – арабча сўздан олинган бўлиб, «уйланиш» деган маънони англатади. Бизда никоҳ ёши қизлар учун 17, ўғил болалар учун эса 18 ёш қилиб белгиланган. Зарурий ҳолларда маҳаллий ҳоқимиятнинг қарори билан никоҳ ёши бир ёшга қисқартирилиши мумкин. Кўп никоҳлилиқ бизда қонун йўли билан таъқиқланади.”¹

Никоҳ, оила масалалари ҳақида Ўзбекистон Конституциясининг 63-76,- моддаларида шундай дейилган: “Оила, жамиятнинг асосий бўғинидир, ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади”. 3-Моддада: “Оналик ва Болалиқ давлат томонидан

¹ Мўминова З. Никоҳ шартномаси тўйдан олдин тиббий кўрик. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2004. – Б.7.



муҳофаза қилинади”. Никоҳ туфайли оила қурилади, оила эса жамиятнинг бош бўлагидир.

Шариатда никоҳ “Эр кишининг никоҳида шаръан монеълик бўлмаган аёл кишидан хузур олишини ҳалол қилишдир”- деб таърифланади. Имом Шофеий (р.а) дан бошқа ҳамма уламоларимиз никоҳни ибодат деганлар. Никоҳнинг рукни ҳақида ҳамма мазҳаблар бир овоздан “Ийжоб” – “Қабул” шартини биринчи ўринга қўйганлар. Шариатда эркак киши аёл кишидан “менга хотин бўлишга розимисан” деб сўраши “ийжоб” бўлади. Аёл унга розиман, деб жавоб берса “қабул” бўлади. “Ийжоб-қабул” ҳуқуқий акти валийлар ёки вакиллар орқали ҳам бўлиши мумкин. Ҳанафий мазҳабида фақат ийжоб ва қабулгина никоҳнинг рукни ҳисобланади. Никоҳ “бағишладим” ва “қабул қилдим” лафзларини айтиш билан боғланади.

Мусулмон шариатида никоҳга оид қонун-қоидаларида уйланишга имкони бор эркак киши турмушга чиқишга рози бўлган қизга маҳр ҳаққига шариатда энг кам белгиланган миқдорда маблағ бериши вожиб қилингандир. Шариатда маҳалнинг (аёл жинсий аъзосининг) шарафли эканини баён этиш учун маҳр буюрилган. Маҳрнинг энг ози ўн дирҳамдир.

Бунга ушбу ҳадис далилдир: **و لا مهر أقل من عشرة**
Яъни: “Ўн дирҳамдан оз маҳр йўқдир.”

Бир дирҳам замонавий ўлчовда 3,12 граммдир, уни ўнга кўпайтурсак 31,2 грамм бўлади. Никоҳ шартномаси тузилаётганида 31,2 грамм кумушнинг қиймати сўмда қанча бўлса, ўша маҳрнинг энг кам миқдори бўлади. Бундан маҳрга ана шу миқдордан ортиқ бериб бўлмас экан, деган хулоса чиқмайди. Динимиз жамиятнинг барча қатлами манфаатини тенг ҳимоя қилгани учун уларнинг энг камбағалига ҳам малол келмайдиган миқдорни белгилаган. Кимнинг шароити кўтарса, бундан кўпроғига қодир бўлса, кўпроқ ҳам бераверади.²

Имом Шофеий (р.а): “Савдо-сотикда ниманики пул ўрнида ишлатиш жоиз бўлса, ўша нарса аёл кишига маҳр бўлиши мумкин. Чунки маҳр аёлнинг ҳаққи, унинг миқдорини белгилаш аёлнинг ихтиёрида”, дейдилар.

Маҳр шариатда маҳалнинг (аёл жинсий аъзосининг) шарафли эканини баён этиш учун вожиб қилингандир. Бунга Имом Молик (р.а) хилоф қилганлар. Агар аёлга ўн дирҳамдан камроқ маҳрни атаса ҳам, ўн дирҳам вожиб бўлаверади. Имом Зуфар(р.а) бу ҳолда маҳри мисл вожиб бўлади, деганлар. Имом Шофеий(р.а) наздида эса, умуман маҳр номланмагандаги каби мутъа вожиб бўлади. Кимки маҳрга ўн дирҳам ва ундан кўп нарсани айтса, агар аёлига қўшилса ё қўшилмай вафот этса ҳам, ўша айтган маҳр вожиб бўлади. Агар эр хотинни унга қўшилмай ва у билан холи қолмай туриб талоқ қилса, аёлга белгиланган маҳрнинг тенг ярми берилади.

Агар маҳр тайин қилмай ё умуман маҳр бермаслик шарти билан уйланса, аёлга қўшилгандан кейин ёки қўшилмай вафот этса, маҳри мисл вожиб бўлади. Имом Шофеий (р.а) вафот этганда ҳеч нарса бериш вожиб бўлмайди, деганлар. Агар қўшилмасдан олдин талоқ қилса, мутъа вожиб бўлади.

² Маҳрнинг ози қанча ёки бир дирҳам неча грамм? muslim.uz - Июль 10, 2018.

<http://old.muslim.uz/index.php/rukn/fiqh/item/9296>



Ушбу

оят

далилидир:

قدره

الموسع

على

متعوهن

و

“Аёлларингизга қўшилмай ва маҳр белгиламай туриб талоқ қилсаларингиз уларни қодир одам қурби етгунча мато билан таъминланглар”. (Бақара сураси, 236-оят).

Имом Молик (р.а) да мутъа куйлак, рўмол, чодирдир. Мутъанинг миқдори маҳри мислнинг ярмидан ошмаслиги, беш дирҳамдан кам бўлмаслиги керак. Агар никоҳдан кейин аёл маҳрни оширса, ўша оширганини ҳам бериш лозим бўлади. Агар аёл ўз хоҳиши билан маҳрни камайтирса дуруст бўлади. Агар эр хотини билан холи қолса ва у ерда уларнинг жинсий яқинлик қилишларига монъелик бўлмаса, кейин талоқ қилса, маҳрнинг ҳаммаси берилади. Агар закари кесилган, турмайдиган ва бичилганлар хотини билан холи қолса, тўлиқ маҳр беради ва агар хотин эри билан ажрашса, унга идда вожиб бўлади. Агар биров бошқага ўз қизини унинг қизи эвазига хотин қилиб берса ва шу никоҳ маҳр этиб белгиланса, бу икки никоҳ жоиз ва ҳар аёлга маҳри мисл вожиб бўлади. Агар биров хотинига хизматкорликни ё Қуръондан таълим беришни маҳр қилса ва никоҳига олса маҳри мисл вожиб бўлади.

Маҳр икки қисм бўлади: 1-қисми тўғри ақди никоҳ ила вожиб бўладиган маҳр. 2-қисми қовушиш ила вожиб бўладиган маҳр. Шариат қоидаларига тўғри равишда амалга оширилган ақди никоҳ туфайли, эру-хотин бўлиб яшамаслар ҳам маҳр тайин қилинган ёки тайин қилинмаган ҳолатда, "маҳри мисл" бериш вожиб бўлади. Аммо маҳрнинг ҳаммаси ёки ярми соқит бўлиш эҳтимоли бор. Мисол учун, аёл эркак билан тўғри никоҳ ақдидан ўтишда аёлга келишилган маҳрни бериши вожиб бўлади. Агар маҳр миқдори келишилган бўлса, маҳри мисл – ўша аёлга тенг аёлларнинг маҳрига ўхшаш маҳр бериш вожиб бўлади. Лекин аёл айби туфайли никоҳ бузилса, маҳр бериш эрнинг бўйнидан бутунлай соқит бўлади.

Аёлнинг маҳри мислини белгилашда ўз опа-сингиллари, аммалари ва амакиларини қизларининг маҳри мисллари эътиборга олинади. Ибн Масъуд (р.а) шундай деганлар: "Аёлга унга тегишли аёлларнинг маҳри мисли берилади, ундан камайтирилмайди ҳам, кўпайтирилмайди ҳам". Унга тегишли аёллар ота тараф қариндошларидир. Агар аёлнинг онаси ва холаси унинг қабиласидан бўлмасалар, аёлнинг маҳри мислини белгилашда улар эътиборга олинмайди. Маҳри мислини аниқлашда иккала аёлнинг ёши, ҳусни, мол-дунёси, ақл- заковати, дину-диёнати, яшаётган шаҳри ва яшаётган замони бир-бирига мос келиши эътиборга олинади. Чунки бокира билан саййибанинг маҳрлари ҳар хил бўлади.”³

Имом Фахруддин Ҳасан ибн Мансур Ўзгандий ал-Фарғонийнинг “Фатовои Қозихон” XVII асрга келиб Усмонлилар салтанатида ҳуқуқ амалиётининг асосий манбаси бўлиб хизмат қилган. “Фатовои Қозихон” асарида никоҳ, унинг шартлари ва ундан келиб чиқадиган мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлар ҳамда мажбуриятларни қамраб олувчи “Никоҳ китоби”, “Талоқ китоби” (никоҳнинг бекор бўлиши ҳақида китоб) деб номланган бўлимлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг «Оила кодекси»нинг «Умумий қоидалар» деб аталувчи бўлими «Асосий қоидалар» деб номланган биринчи бобининг 18 – моддаси

³ Моварауннахр фикҳ академияси. Никоҳ фазилати, унинг рукн ва шартлари. Мақола. <https://fiqh.uz/maqola/439>



«Оилавий муносабатларда маҳаллий урф-одат ва анъаналарнинг қўлланилиши» ҳақида бўлиб, жумладан, бу масала шундай ифодаланган: «Қонун ҳужжатларида оилавий муносабатларни тартибга солишга оид тегишли нормалар бўлмаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тамойилларига оид бўлмаган маҳаллий урф-одат ва анъаналар қўлланилади». Бунда ўзбек халқида келин - куёвга эскича никоҳ ўқитиш, шунингдек, Республикамизда яшовчи бошқа халқлар, жумладан, русларда черковда никоҳ ўқитиш, туркларда эса никоҳ тўйдан кейин ҳурмат белгиси сифатида келин – куёвнинг маълум муддат давомида оила аъзолари билан гаплашмай юришлари сингари анъанавий удумлар кўзда тутилган.

Натижавий фикрлар сифатида шуни таъкидлаш жоизки, Ислоҳ ҳуқуқида хотиннинг эрдаги маҳр, нафақа, мерос мулкӣ ҳуқуқлари мавжуд. Маҳр – бу муслимининг бирор мусулмон эркак никоҳига кириши жараёнида эрнинг таклифини қабул қилгани эвазига унга бўлажак эри томонидан берилиши вожиб бўлган моддий бойликдир. Маҳр эрнинг мажбурияти, аёлнинг эса ҳуқуқи ҳисобланади. Маҳр никоҳнинг асосий шarti бўлмай, никоҳ шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятдир. Ҳанафий мазҳабида ўша юртда аёл-қизларга бериладиган ўртача миқдорда маҳр маҳри мисл деб белгиланган ва никоҳ вақтида берилади, аммо бордию, маҳр белгиланмаса ҳам никоҳ дуруст ҳисобланиб, ўз-ўзидан куёв маҳр мисл бериши лозим бўлади.

“Фахруддин Қозихоннинг фикрига кўра, маҳр – маълум қийматга эга бўлган молдан бошқаси бўлмайди, агар номаълум бир мол зикр қилиниб, аёлга ҳайвон ёки либос билан уйланилса, аёлга ўша юртда аёл-қизларга бериладиган ўртача миқдорда маҳр берилади. Агар киши аёлга: “мана бу қулнинг қийматиға” ёки “мана бу ҳовлининг қийматиға тенг маҳр билан уйландим”, – деб айтса, маҳр аниқ зикр қилинмагани боис никоҳ маҳри мисл билан жоиз бўлади.”⁴

ХУЛОСА

Оила икки ёшнинг ўзаро келишилган ҳолда ва розилигига асосланган ижтимоий бирлашув бўғини бўлиб, мусулмон динига эътиқод қилувчи инсонлар турмушида шарият қонуни ва талаби саналган никоҳ орқали вужудга келади. Инсоният тарихидаги энг қадимги институтлардан бири бўлган Оила институти қатор ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини қамраб олади. Оила институтининг фаолияти қуйидаги функцияларни бажаришга қаратилади:

- жамиятнинг илк бўғини бўлган оилани ташкил қилиш;
- руҳий ва жисмоний соғломликни асраш ва ҳимоялаш;
- яқин қариндошлар ўртасида никоҳ муносабатлари содир бўлишининг олдини олиш;
- эр ва хотиннинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбурият масалаларини белгилаш;
- оила аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш;
- никоҳ муносабатларини тартибга солиш;
- соғлом авлодни миллий-маънавий-ахлоқий талаблар асосида тўғри тарбиялаш;

⁴ Мансурова Н. М. Фахруддин Ўзгандийнинг эр-хотиннинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида қарашлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2022) – Б. 8-13. <https://uzmarkaz.uz/uploads/2023/01/urist-ahborotnomasi20224son.pdf>



-илм олишда, касб-хунар ўрганишда, оила қуришда, савобли ишларни қилишда, намоз ўқишда, закот беришда, рўза тутишда, ҳажга боришда аёллар ва эракакларнинг ҳуқуқи бир хиллигини асраш;

-оила қурувчиларни турли тухматлардан ҳимоя қилиш;

-насл-насаби билан боғлиқ масалаларни тартибга солиш;

-оиладорлик масъулиятини шакллантириш;

-авлодларни турли ирсий касалликлардан ҳимоя қилиш;

-беҳуда ажримлар сони кўпаймаслигини таъминлаш;

-маҳрни аёлнинг хусусий мулки қилиб белгилаш ва аёлга нафақат никоҳ даврида балки, никоҳ тугатилган деб топилганда ҳам тегишлилигини сақлаш;

-нафақалар масаласини тартибли бўлишини таъминлаш;

-мерос ҳуқуқлари тартибга солинишини таъминлаш;

-никоҳ тугатилиши оқибатлари билан боғлиқ муаммоларга ечим топиш.

Ислом ҳуқуқида эркак ва аёлнинг мулкӣ ҳуқуқлари ва мажбуриятлари фикҳ норма ҳамда меъёрлари асосида тартибга солинади.

Мусулмон жамияти қонун-қоидадларининг оилавий муносабатларга доир қисми ҳам албатта, уларнинг замонавий қонунчилик нормалари билан ҳамоҳанг эканлигини кўрсатади. Ислом ҳуқуқида мавжуд маҳр, нафақа каби тушунчаларни ҳар томонлама замонавий илмий-назарий тамойиллар асосида ўрганиш ва ўргатиш ёш авлод онгида мазкур тушунчалар борасида тўғри ёндошувлар шаклланишига хизмат қилувчи муҳим омил ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, никоҳ мусулмончиликда соғлом ва тўлақонли жамият бардавомлигининг энг аҳамиятли механизмларидан биридир. Никоҳларнинг биринчи ўринда маърифатли ва билимли имом-домлалар томонидан давлат қонунлари асосида амалга оширилиши никоҳ билан боғлиқ масалалар, жумладан маҳр тушунчасига эътибор берилиши қизлару аёлларга нафақат никоҳ даврида, балки никоҳ тугатилган деб топилганда ҳам, ўз диний-ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда катта аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги кунда Республикамизда ижтимоий-диний соҳага оид жуда катта маърифий-маданий ташкилий ишлар ва тадбирлар олиб борилмоқда, буларнинг барчаси жамиятимизнинг илк бўғини бўлган оила мустаҳкамлигини таъминлашга ҳамда тобора яхшилашга қаратилмоқда.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси. // URL: <https://lex.uz/docs/104720>
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси.// URL:<https://lex.uz/docs/180552>
3. Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири.Т.: “Tafsir-books” нашриёти . 2023 – 624 б.
4. Алимов Усмонхон. Расулulloҳнинг муборак васиятлари. Тошкент. “Мавворауннаҳр” – 2014. 403Б.
5. Мансуров. А. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004. – 618 б.



6. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, “Саҳиҳи Бухорий” 1-2-том. – Т: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2008.
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Мадвалиев А., таҳрири остида. Тошкент. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” -2008. 633-бет.
8. Фахруддин Абулмахофир Ҳасан ибн Мансур Ўзгандий. “بواتف ناخيضقلا” (Қозихон фатвоси), 7-жилд. Байрут: “Дарул фикр”, 2010. – 376 б.
9. Юсупова Н. Ж. “Исломда оила ҳуқуқи: ўқув қўлланма”. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2015. – 320 б.
10. Тошқулов Ж., Юсупова Н., Бекмирзаев И., Сарсенбаев А., Масаидов С. / Масъул муҳаррир: Ж.Тошқулов. Ислом ҳуқуқшунослиги: ўқув қўлланма – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014. – 408 б.
11. Мансурова Н. М. Фахруддин Ўзгандийнинг эр-хотиннинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида қарашлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2022) Б. 8-13. <https://uzmarkaz.uz/uploads/2023/01/urist-ahborotnomasi20224son.pdf>
12. Тошниёзова Г. Маҳр – аёлнинг ҳақи. Унинг миқдори қанча ва қандай адо қилинади? Мақола. muslim.uz. - Абр 19, 2021 <http://old.muslim.uz/index.php/maqolalar/item/263081>.